

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“Худудгазтаъминот” АЖ  
кузатув кенгашининг  
2025 йил 29 ноябрдаги қарори билан

“Худудгазтаъминот” АЖ  
кузатув кенгашининг  
2025 йил 29 ноябрдаги  
баённомасига  
илова

**“ХУДУДГАЗТАЪМИНОТ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
2026-2028 ЙИЛЛАР УЧУН  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

Акциядорлик функциясини  
бажарувчи ташкилотнинг номи: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия  
вазирлиги

Идоравий мансублиги: Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги

Почта ва юридик манзили: 100115, Тошкент ш. Муқими, 98

ОКПО: 28897598

ИНН: 306605769

ОКЭД: 35220

Бошқарув раиси: Ходжаев Маруфхон Максудович

Бош ҳисобчи: Алимов Элмурод Зайнобиддинович

Тошкент шаҳри – 2025 йил

## 1. Жамият ҳақида маълумот

### 1.1. Жамиятнинг реқвизитлари, ҳолати, тузилиши

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефт-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йилнинг 24 июлидаги 4к-ПО-сон “Худудгазтаъминот” АЖ акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи асосида ташкил этилган.

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти (қисқартирилган номи “Худудгазтаъминот” АЖ) Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги таркибига киради.

Тармоқ: табиий газни қувур орқали ташиш.

Фаолият турлари:

етказиб берувчилардан табиий газни сотиб олиш ва газ тақсимлаш тармоқларига уланган истеъмолчиларга сотиш;

суюлтирилган газни харид қилиш, етказиб бериш, сақлаш ва аҳолига ва ижтимоий соҳа объектларига сотиш;

бошқа хизматлар кўрсатиш (истеъмолчиларнинг талабномаларига мувофиқ газ ускуналарига техник хизмат кўрсатиш).

“Худудгазтаъминот” АЖ реқвизитлари:

- “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Рақат филиали;

- Банкнинг жойлашган жойи: Тошкент-100100, Шохжаҳон кўчаси, 2;

- Ҳисоб рақами: 20210000405113960001;

- МФО: 00440;

- СТИР: 306605769;

- ОКЭД: 35220.

Юридик манзили: 100115 Тошкент ш. Муқимий, 98.

Телефон: (71) 281 15 68.

Электрон почта: [info@hududgaz.uz](mailto:info@hududgaz.uz)

Оддий акциялар сони: 26 454 506 527 (йигирма олти миллиард тўрт юз эллик тўрт миллион беш юз олти минг беш юз йигирма етти) та.

Устав фондининг миқдори: 2 645 450 652 700,0 (икки триллион олти юз қирқ беш миллиард тўрт юз эллик миллион олти юз эллик икки минг етти юз) сўм.

Штат бирликлари сони (01.10.2025 йил ҳолатига): 15 391 та, шу жумладан маъмурий-бошқарув ходимлари штат бирликлари сони 1 573 та.

Маъмурий бино майдони: 3 013 кв.м.

Ер участкасининг умумий майдони: 0,4219 гектар.

### 1.2. Жамиятни ташкил этилишининг тарихи

Газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ягона сиёсатни шакллантириш, республика истеъмолчиларига табиий газни ташиш

ва сотиш бошқарувининг самарали тизимини яратиш, шунингдек табиий газдан оқилона фойдаланиш ва газ учун тўловлар интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги ПҚ-438-сон “Ўзтрансгаз” акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинган.

Ушбу қарорга мувофиқ:

худудий газ таъминоти корхоналари “Ўзкоммунхизмат” агентлиги таркибидан “Ўзтрансгаз” АЖ таркибига ўтказилиб, барча тоифадаги истеъмолчиларни газ билан таъминлаш учун “Ўзтрансгаз” АЖ негизида унитар корхоналари шаклидаги 6 та (“Шимолгазтаъминот” УК, “Ғарбгазтаъминот” УК, “Жанубгазтаъминот” УК, “Марказгазтаъминот” УК, “Тошкентгазтаъминот” УК, “Водийгазтаъминот” УК) худудлараро унитар корхоналарнинг худудий газ таъминоти корхоналари ташкил этилди;

“Ўзтрансгаз” АЖ ҳамда вилоятлараро унитар газ таъминоти корхоналари ва уларнинг худудий (шаҳар) газ таъминоти филиаллари учун янги ташкилий тузилма тасдиқланди;

барча тоифадаги истеъмолчиларни газ билан таъминлаш бўйича асосий вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон “Нефт-газ тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ:

6 та худудлараро унитар корхона негизида 14 та худудий газ таъминоти филиаллари ташкил этилди;

газ таъминоти худудий филиалларининг янги ташкилий тузилмаси ва туманлараро газ таъминоти участкалари тузилмаси тасдиқланди.

Республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, нефть ва газ хўжалиги корхоналарининг молиявий соғломлаштирилишини таъминлаш, соғлом рақобатни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, замонавий рақамли технологиялар ва илғор бошқарув усулларини жорий этиш мақсадида халқаро амалиётдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ўзтрансгаз” АЖнинг худудий газ таъминоти корхоналари негизида “Худудгазтаъминот” АЖ ва унинг худудий газ таъминоти корхоналари масъулияти чекланган жамиятлар шаклида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмининг такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида “Худудгазтаъминот” АЖга қўшимча юклатилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда худудий газ таъминоти корхоналари, масъулияти чекланган жамиятлари негизида “Худудгазтаъминот” АЖ филиаллари ташкил этилди.

### **1.3. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати**

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти **93 016,3 км** газ тақсимлаш тармоқлари ва **40 080** дона газни тартибга солиш пунктларидан фойдаланади. Бу тизим республикамизнинг барча худудларини қамраб олиб, ижтимоий соҳа объектларини ва республика аҳолисини табиий газ билан таъминлайди.


**“Худудгазтаъминот” АЖ томонидан фойдаланилаётган  
газ тақсимлаш тармоқлари узунлиги тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

(км)

№	Филиаллар номи	Жами газ кувурларининг узунлиги,	шу жумладан		
			юқори босим	ўрта босим	паст босим
1	“Худудгаз Қорақалпоғистон”	9 847,8	605,6	3 739,1	5 503,0
2	“Худудгаз Андижон”	6 037,7	792,5	1 894,1	3 351,2
3	“Худудгаз Бухоро”	7 658,8	397,4	2 514,0	4 747,3
4	“Худудгаз Жиззах”	5 926,7	439,0	1 166,1	4 321,6
5	“Худудгаз Қашқадарё”	3 749,9	289,8	2 134,7	1 325,3
6	“Худудгаз Навоий”	4 257,0	396,8	2 542,5	1 317,7
7	“Худудгаз Наманган”	5 207,5	199,2	4 456,6	551,7
8	“Худудгаз Самарқанд”	9 288,7	965,5	2 627,7	5 695,6
9	“Худудгаз Сурхондарё”	2 379,0	157,4	1 068,6	1 153,0
10	“Худудгаз Сирдарё”	3 097,8	354,9	1 490,9	1 252,0
11	“Худудгаз Тошкент”	12 428,5	1 645,9	3 482,0	7 300,6
12	“Худудгаз Фарғона”	7 706,5	1 036,2	2 333,5	4 336,8
13	“Худудгаз Хоразм”	6 617,0	842,6	1 964,3	3 810,0
14	“Худудгаз Пойтахт”	8 813,5	222,2	1 509,5	7 081,8
	<b>Жами:</b>	<b>93 016,3</b>	<b>8 345,0</b>	<b>32 923,5</b>	<b>51 747,7</b>


1-сонли диаграмма.

**Табиий газ истеъмолчилари (аҳоли) сонининг ўзгариш  
ДИНАМИКАСИ (минг та)**




2-сонли диаграмма.

**Республика аҳолисига табиий газ етказиб бериш ҳажмининг ўзгариш  
ДИНАМИКАСИ (млн куб метр)**




3-сонли диаграмма.

**Суюлтирилган газ истеъмолчилари сонининг ўсиш  
ДИНАМИКАСИ (МИНГ ТА)**



4-сонли диаграмма.

**Суюлтирилган газ етказиб бериш ҳажмининг ўсиш  
ДИНАМИКАСИ (МИНГ ТОННА)**



Суюлтирилган газ истеъмоли ҳажмининг ўсиш динамикаси уни етказиб бериш учун ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни талаб қилади.

### 1.4. Ташкилий тузилма

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси “Худудгазтаъминот” АЖ ягона акциядорининг 2025 йил 28 августдаги 1-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган бўлиб, унга кўра унинг таркибига 14 та худудий газ таъминоти филиаллари, “Худудгаз Комплектация” масъулияти чекланган жамияти ҳамда “Худудгаз Консалтинг” масъулияти чекланган жамияти киради.

#### Таркибий корхоналарнинг жойлашуви тўғрисида маълумотлар

№	Номи	Манзил	Фаолият тури
1	“Худудгаз Қорақалпоғистон” филиали	Нукус шаҳри, Бердақ кўчаси, 179	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
2	“Худудгаз Андижон” филиали	Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 1а	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
3	“Худудгаз Бухоро” филиали	Бухоро шаҳри, И. Қаймова кўчаси, 19	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
4	“Худудгаз Жиззах” филиали	Жиззах шаҳри, Ш. Рашидова кўчаси, 5	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
5	“Худудгаз Қашқадарё” филиали	Қарши шаҳри, Хонобод кўчаси, 11	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
6	“Худудгаз Навоий” филиали	Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 19	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
7	“Худудгаз Наманган” филиали	Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 39	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
8	“Худудгаз Самарқанд” филиали	Самарқанд шаҳри, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 15	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
9	“Худудгаз Сурхондарё” филиали	Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 7А	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
10	“Худудгаз Сирдарё” филиали	Гулистон шаҳри, А. Темур кўчаси, 65	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
11	“Худудгаз Тошкент” филиали	Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Спорт кўчаси, 37 а	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
12	“Худудгаз Фарғона” филиали	Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғилоний кўчаси, 76	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
13	“Худудгаз Хоразм” филиали	Урганч шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси, 62	Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти
14	“Худудгаз Пойтахт” филиали	Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 59А	Табиий газ таъминоти
15	“Худудгаз Комплектация” МЧЖ	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, А.Навоий кўчаси	Моддий-техник ресурслар таъминоти
16	“Худудгаз Консалтинг” МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туман А.Досназаров кўчаси 11-уй	Илмий-тадқиқот фаолияти

Ўн тўртта ҳудудий газ таъминоти филиаллари газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланиш, табиий газ етказиб бериш ва суюлтирилган газ сотиш билан шуғулланади.


“Ҳудудгаз Комплектация” масъулияти чекланган жамияти Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш билан шуғулланади.

“Ҳудудгаз Консалтинг” масъулияти чекланган жамияти илмий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади ва газ таъминоти тизимида илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

Жамият тузилган шартномалар ва мажбуриятларнинг шартларига қатъий риоя қилади ва ишончли ҳамкор ҳисобланади.

1-сонли схема

### “Ҳудудгазтаъминот” акциядорлик жамиятининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



**Изоҳ:**

\* Ички аудит хизмати ходимлари ижро аппаратининг штатлар жадалига киради.

\*\* «Ҳудудгазтаъминот» АЖ ижроия аппаратининг штатлар бирликлари сони (бошқарув аъзолари билан) 243 та шундан маъмурий бошқарув ходимлар сони 128 та «Ҳудудгазтаъминот» АЖ ижроия аппаратининг тузилмаси «Ҳудудгазтаъминот» АЖ бошқарувининг қарори билан акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган иш ҳақи фонди доирасида тасдиқланади.

\*\*\* Туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимлари ва Газ тўлдириши иншоотлари сони ишлаб чиқариш заруратига қараб «Ҳудудгазтаъминот» АЖ бошқаруви томонидан акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган иш ҳақи фонди доирасида тасдиқланади.

**“Худудгазтаъминот” АЖ ижро аппарати  
ТУЗИЛМАСИ**



\*Умумий сони 243

МБХ 128

\* "Худудгазтаъминот" АЖ акциядорлар умумий йиғилишининг 2025 йил 28 августдаги 1-сонли қарорига мувофиқ ички аудит хизмати 4 дона.

\*\* Кузатув кенгашининг котиби 1 дона.

Ички аудит хизмати ва кузатув кенгашининг котиби кузатув кенгаши бўйсунувида бўлиб, лавозим маоши кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

### **1.5. Жамиятнинг ходимлари, шу жумладан ижро этувчи органи тўғрисидаги маълумот**

2025 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, газ таъминоти тизимида **15 466 нафар** ходимлар меҳнат қилмоқда. Улардан **4 689 нафари олий маълумотли, 6 558 нафари ўрта махсус, 3 728 нафари ўрта маълумотга** эга.

Шунингдек, Жамият тизимида **4 нафар фан номзоди, 1 нафар фан доктори** фаолият юритмоқда.

Жамият ва унинг қўйи тизимлари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2026 йилда ўрта махсус маълумотга эга ва тизимда 5 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган 100 нафаргача ходим олий таълим муассасаларига ўқишга тавсия этилиши ва тизимда 80 дан ортиқ ўқув курслари ва семинарлар ташкил этилиб, 6 260 нафардан ортиқ турли даражадаги раҳбар, муҳандис-техник ходимлар малакасини ошириш режалаштирилган.

“Худудгазтаъминот” АЖнинг барча молия-хўжалик фаолиятига жорий раҳбарлик ижроия органи - бошқарув томонидан амалга оширилиб, унинг таркибига:

Ходжаев Маруфхон Максудович – Бошқарув раиси;

Максудов Даврон Санжарходжаевич- Бошқарув раисининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари;

Якубов Махмуджон Джамшитович - Бошқарув раисининг газ сотиш ва инновацияларни жорий этиш бўйича (chief innovation officer) биринчи ўринбосари;

Турдиев Тохир Жакпаралевич – Бошқарув раисининг ўринбосари - бош муҳандис;

Турдибаев Алишер Абдувосикович – Бошқарув раисининг молия ва иқтисодиёт бўйича ўринбосари.

Сиразетдинов Зуфар Шамильевич – бошқарув раисининг кадр ва режим бўйича ўринбосари.

Ачилов Дилшод Маъруфович – Ходимлар бошқармаси бошлиғи.

“Худудгазтаъминот” АЖ ижро органининг йиллик **энг муҳим самарадорлик асосий кўрсаткичлари** (КРІ) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги 49-Ф-сон “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги 463-сон “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**“Худудгазтаъминот” АЖ ходимлари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

№	Ташкилот номи	01.10.2025 йил ҳолатига ходимлар сони, жами	шундан		
			олий	ўрта- махсус	ўрта
1	Марказий аппарат	243	207	14	9
6	“Hududgaz Qoraqalpog‘iston” филиали	1 101	399	443	229
2	“Hududgaz Andijon” филиали	1 107	183	549	329
3	“Hududgaz Buxoro” филиали	977	260	472	212
4	“Hududgaz Jizzax” филиали	831	335	295	180
5	“Hududgaz Qashqadaryo” филиали	1 266	489	462	287
7	“Hududgaz Navoiy” филиали	749	217	402	112
8	“Hududgaz Namangan” филиали	991	300	420	231
9	“Hududgaz Samarqand” филиали	1 258	375	456	371
10	“Hududgaz Sirdaryo” филиали	1 062	358	430	265
11	“Hududgaz Surxondaryo” филиали	663	165	345	132
12	“Hududgaz Toshkent” филиали	1 512	327	738	372
14	“Hududgaz Farg‘ona” филиали	1 442	310	691	409
15	“Hududgaz Xorazm” филиали	963	300	416	244
13	“Hududgaz Poytaxt” филиали	1 220	401	411	344
16	“Hududgaz Komplektasiya” МЧЖ	57	43	10	2
17	“Худудгаз Консалтинг” МЧЖ	24	20	4	
	<b>Жами</b>	<b>15 466</b>	<b>4 670</b>	<b>6 554</b>	<b>3 728</b>

**1.6. Кузатув кенгаши аъзолари ҳақида маълумот**

Жамият кузатув кенгашининг амалдаги таркиби ягона акциядорнинг 2024 йил 21 июндаги 13-сон қарори билан тасдиқланган ва қуйидаги шахслардан иборат:

Кузатув кенгаши раиси:

М.М. Мирзаев – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.

Кузатув кенгаши аъзолари:

Б.Р. Маматкаримов – Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирининг биринчи ўринбосари;

Н.Н. Нуритдинова – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи;

Б.Э. Джураев – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқарма бошлиғи;

Ў.Ш. Мухаммадиев – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси;

Fatma Utan – Мустақил аъзо;

Charles Valceschini – Мустақил аъзо.

## 2. Жамият фаолиятининг мақсади

Жамиятнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан ташкил топган:

хавфсиз фойдаланиш қоидаларининг меъёрий талабларига риоя қилган ҳолда газ тақсимлаш тармоқлари ва тегишли ускуналардан фойдаланиш;

суюлтирилган газни харид қилиш, етказиб бериш, сақлаш ва аҳолига ва ижтимоий соҳа объектларига сотиш.

“Худудгазтаъминот” АЖнинг энг муҳим вазифаси табиий газни истеъмолчиларга етказиб беришда йўқотишларни камайтириш, шу жумладан:

мавжуд газ тақсимлаш пунктлари ва тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш;

барча тоифадаги истеъмолчилар учун табиий газни мониторинг қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ жорий этиш;

газ тақсимлаш тармоқлари ва улар билан боғлиқ ускуналардан фойдаланиш, шунингдек, табиий газни давлат-хусусий шериклик асосида истеъмолчиларга сотиш бўйича функцияларни амалга ошириш учун газ таъминоти объектларини босқичма-босқич хусусий операторларга бериш.

## 3. Устувор йўналишлар

Жамиятнинг ўз олдига қўйган устувор йўналишлари табиий ва суюлтирилган углеводород газига бўлган эҳтиёжни қондиришга эришиш, газ етказиб бериш тизимида **инсон омилини камайтириш** ва коррупциядан ҳоли муҳитни шакллантириш, соҳада **рақамли технологиялар** ва **сунъий интеллект** имкониятларини кенг жорий этиш орқали тизимни тўлиқ рақамлаштириш. **Жумладан:**

1) табиий ва суюлтирилган углеводород газни етказиб бериш соҳасини тартибга солувчи **қонунчилик базасини такомиллаштириш;**

*Boston Consulting Group (BCG) томонидан ишлаб чиқилган “Республика табиий газ бозорини босқичма-босқич либерализация қилиш Концепцияси” лойиҳасида ислохотларнинг дастлабки босқичида “Табиий газ тўғрисида”ги Қонун ва “Газ ташиш тизими кодекси”ни қабул қилиниши лозимлиги кўрсатилган.*

2) табиий ва суюлтирилган углеводород газни етказиб беришнинг замонавий, тезкор ва янада қулай усулларини жорий қилиш, тармоқларни янгилаш ҳамда **йўқотишлар ҳажминини камайтириш;**

*Жорий йилда табиий газ таъминотини яхшилаш, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди: Жумладан,*

- **553,8 км** газ тармоқлари ва **1 023 та** газ тақсимлаш пункти реконструкция ва модернизация қилинди;

- **50 195 та** тақсимлаш пункти тафтишдан ўтказилди;
- **7 591 км** газ қувурлари босим остида зичликка синалди;
- **22 678 км** ер ости қувурларини ҳолати текширилди;
- **5 427 км** қувурлар тартибга келтирилди.

Республика бўйича **220 та** авариявий бригада ташкил этилиб, улар махсус автотранспорт ҳамда пайвандлаш аппаратлари билан таъминланди.

Авариявий бригадалар учун **33 км** турли диаметрдаги газ қувурлари, **4 353 дона** комплект эҳтиёт қисмлар (зулфин, жўмрак ва х.к), **547 та** манометрлар, **5 863 кг** карбид ҳамда **1 353 кг** мойлаш материаллари, шунингдек, **27,3 минг дона** маиший газ баллонлар захираси яратилди.

2026 йилда манзилли дастур бўйича **220,2 км** газ тармоқларини мукамал таъмирлаш, **529,4 км** газ тармоқларини реконструкция қилиш режаслаштирилган. Шунингдек, теgeшли норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ва Ҳукумат томонидан бериладиган топшириқларга асосан **300 км** янги газ тармоқларини қуриш кўзда тутилган.

Табиий газ таъминотидаги йўқотишларни камайтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида йўқотишлар 2025 йил январь-сентябрь ойларида **685,3 млн куб метр ёки 4,8 фоизга** туширилди.

**3) Табиий ва суюлтирилган углеводород гази етказиб бериш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш;**

Рақамлаштириш ишларини маҳалла газ таъминоти тизими даражасидан йўлга қўйилмоқда. Маҳаллабай ишлаш бўйича Паркент тажрибаси, Республиканинг **208 та** маҳалла фуқаролар йиғинларида жорий этилди. Хусусан, **456 км** газ тармоқлари тартибга келтирилиб, ортиқча **662 дона** газ тақсимлаш қурилмаларидан воз кечилди. Натижада **16,8 млн куб метр ёки 42 млрд сўм** пул маблағлари иқтисод қилишга эришилди.

Бундан ташқари, рақамлаштириш ишлари натижасида **124 мингдан** ортиқ ноқонуний ҳолатлар аниқланиб, **1,1 трлн сўмлик 526,7 млн куб метр** ҳажмда табиий газ ва **90 та** ноқонуний бункерлар орқали **107 тонна** суюлтирилган газ ҳажмлари талон-тороғ қилинганлиги аниқланди.

**4) Табиий ва суюлтирилган углеводород гази етказиб бериш тизимини ривожлантиришга инвестициялар ва хусусий секторни кенг жалб қилиш имкониятларини яратиш;**

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида “Газ тақсимлаш тизими бошқарувига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш” (пилот лойиҳа), “Жамият тасарруфидаги ўрта ва паст босимли газ тармоқларидан метан ташланмаларини қисқартириш” ва “2022-2024-йилларда газ таъминоти тизимини модернизация ва реконструкция қилиш” инвестицион лойиҳалари бўйича жами **15,2 млн доллар** инвестиция маблағлари ўзлаштирилди, шундан **13,2 млн доллари** - тўғридан-тўғри инвестициялардир. Шу билан бирга, Япониянинг “ITO Corporation” компанияси технологияси асосида синов тариқасида Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Янгиобод МФЙ ҳудудида **2 та** ускуна жами **5 та** (2 қаватли) хонадонларни, Андижон вилоятининг Асака туманида **2 та** кўп қаватли уйларни синтетик метан гази билан таъминлаш таъминлаш мақсадида ўрнатиб фойдаланишга топширилди. Келгуси йилда ушбу технологияни Навоий вилоятида ҳам жорий этиш режаслаштирилган.

**5) муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш, истеъмол маданияти ва тежамкорликни ошириш орқали газ истеъмоли ҳажмини камайтириш;**

2025 йилда **325 минг дона** ностандарт газ жиҳозларини алмаштириш бўйича режа белгиланиб, 9 ой давомида **342,1 минг дона (105%)** алмаштирилди.

“Худудгазтаъминот” АЖ тизим корхоналарида қайта тикланувчи энергия манабаларига мослаштирилган технологияларни жорий этиш доирасида **650 кВт** қувватига эга қуёш панеллари ва **127 дона** қуёш сув иситкичлари (жами **25 400 литр** ҳажмли) ўрнатилди.

2025 йил якуни билан **835 кВт** қувватига эга қуёш панеллари ва **32 дона** замонавий иситиш қозонлари ўрнатилади.

Юқоридаги тадбирлар натижасида йилига ўртача **1,2 млн кВт/соат** электр энергияси ишлаб чиқаришга эришилади.

Жамиятда ишловчи ходимларнинг уйларига қуёш панеллари ўрнатишларини учун иш ҳақлари ҳисобидан 6 ойга фойсиз бўлиб тўлаш шарти билан ссуда маблағлари ажратиш йўлга қўйилди.

**6)** Суюлтирилган газ тизимини модернизация қилиш, суюлтирилган газни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш жараёнларини рақамлаштириш мақсадида синов тариқасида Самарқанд вилоятида маиший газ баллонларни тўлдиришда “конвейер усулида” марказлашган газ тўлдириш станциясини ишга тушириш.

Самарқанд газ тўлдириш станциясини автоматлаштириш ва модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилиб, мазкур лойиҳани техник - иқтисодий асослаш бўйича “ALFA GARANT” МЧЖ билан, технологик ва экологик йўналишидаги жараёнларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш бўйича “Худудгаз Консалтинг” МЧЖ билан тузилган шартномалар асосида иш олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳанинг ишга туширилиши суюлтирилган газнинг охирги истеъмолчигача етказиб бериш жараёнларида инсон омилини минималлаштириш, тизимни автоматлаштириш ва модернизация қилиш ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг замонавий стандартларини жорий этилади. Жамият мутахассислари Хитой Ҳалқ Республикасида бўлиб, “Tianjin Changlong Hongye Gas Equipment Co.,” Ltd компаниясида “карусель” конвейер тизимини ишлаб чиқариш жараёни ҳамда Гуанжоу провинцияси ҳудудида жойлашган газ тўлдириш станциясида ушбу компания томонидан жорий этилган автоматлаштирилган ва рақамлаштирилган “карусель” тизимини тажрибаси ўрганиб қайтдилар.

Бугунги кунда “Республикада суюлтирилган углеводород газни таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, айни вақтда ушбу қарор лойиҳасини тегишли Вазирлик ва идоралар билан келишиш жараёни давом этмоқда.

**7)** Газ таъминоти тизимида **сунъий интеллектни** босқичма-босқич жорий қилиш;

Жамият томонидан соҳада сунъий интеллектни жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жумладан:

- **6 126 та** маҳалла фуқаролар йиғинларида хизмат кўрсатувчи маҳалла газчиларига **2 000 дона** махсус планшетлар етказиб берилиб, “Биллинг” дастурида “**Онлайн бошқарув**” тизими жорий этилди. Мазкур тизим автоматик тарзда газ ҳисоблагичлардаги алоқа сифати, ташиқ таъсир ёки истеъмол динамикасига асосан табиий газ истеъмоли ошган хонадонларни танлаб олиб, ҳар бир маҳалла газчиларига кунлик **20 тадан** топшириқ юборади;

- маиший газ баллонларни Face ID орқали етказиб бериш тизими йўлга қўйилди;

- Жамият Call-марказларига келиб тушаётган такрорланувчи мурожаатлар сонини қисқартириш мақсадида мазкур йўналишга сунъий интеллект тизимини жорий

қилинмоқда. Бу орқали инсон омилини қисқартириш, истеъмолчилар мурожаатларига ўзбек ва рус тилларида тез ва сифатли маълумот тақдим этишига эришилади.

#### 4. Бозордаги ўрни, мавжуд бизнес алоқалари ва мавқеи

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019-йил 24-июлдаги 04-К-ПО-сон буйруғи асосида ташкил этилган ва Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 27 июлдаги 747007-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

“Худудгазтаъминот” АЖнинг олий бошқарув органи акциядорлар – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги (60% улуш) Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармаси (40% улуш) ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Кузатув кенгаши “Худудгазтаъминот” АЖ фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, стратегия ва ривожланиш истиқболларини белгилайди ва Жамият олдида турган ўрта муддатли вазифалар ва тактикасини ишлаб чиқади.

“Худудгазтаъминот” АЖнинг коллегиял ижро этувчи органи (Бошқарув) Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш, назорат қилиш ва бажарилишини таъминловчи Кузатув кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

Жамиятнинг асосий фаолияти қуйидагилар билан боғлиқ:

хавфсиз фойдаланиш қоидаларининг меъёрий талабларига риоя қилган ҳолда газ тақсимлаш тармоқлари ва тегишли ускуналардан фойдаланиш;

суюлтирилган газни харид қилиш, ташиб келтириш, сақлаш ҳамда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига етказиб бериш.

#### “Худудгазтаъминот” АЖ бўйича SWOT таҳлил

<b>S (strengths) – Кучли томонлари</b>	<b>W (weaknesses) – Кучсиз томонлари</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Газ бозорида газ тақсимлаш тармоқларига эга бўлган газ транспорти ва газ сотиш билан шуғулланувчи ягона компания (табiiй монополия субъекти) сифатида мавжудлиги;</li> <li>• Табiiй газга талаб юқорилиги;</li> <li>• Табiiй газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимидан фойдаланишни самарали йўлга қўйилганлиги ва ходимларнинг зарур кўникма ва малакага эга эканлиги;</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан фаол қўллаб қувватланиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Табiiй газни истеъмолчиларга (магистрал газ қувурлари орқали) ташиш ва (газ тақсимлаш тармоқлари орқали) сотишда ягона мониторинг тизимининг мавжуд эмаслиги;</li> <li>• Тўловларни ўз вақтида амалга оширмайдиган улгуржи харидорлар таркибида давлат корхоналарининг (иссиқлик таъминоти корхоналарининг) катта улуши мавжудлиги;</li> <li>• Улгуржи истеъмолчилардан олинган фойдадан фойдаланган ҳолда аҳолига газ етказиб беришдан кўрилган зарарларни ўзаро субсидиялаш.</li> </ul>
<b>O (opportunities) – Имкониятлар</b>	<b>T (threats) – Таҳдидлар</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тарифларни белгилаш методологиясининг шаффофлигини таъминлаш орқали маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, тарифлар бўйича тўлиқ қамраб олиниш ва етарли рентабеллик даражаси ҳамда инвесторлар учун узоқ муддатли режалаштириш имкониятини таъминланиши;</li> <li>• Табiiй газни биржа орқали сотиш тизими жорий этилгандан сўнг йирик газ етказиб берувчи бўлган компаниялар газ нархини шакллантиришда устун мавқега эга бўлиши;</li> <li>• Газни тўғридан-тўғри “Ўзгазтрейд” АЖ дан харид қилувчи муҳим инфратузилманинг барча иштирокчилари билан боғланиш имконияти.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Биржа жорий этилгандан сўнг, янги газ етказиб берувчиларнинг пайдо бўлиши муносабати билан савдо бозорида етказиб берувчилар томонидан газ нархининг ошиши;</li> <li>• Экологик талабларни кучайтирилиши;</li> <li>• Чет эл валютасидаги мажбуриятларни қоплаш қобилиятига босим ўтказадиган девальвация.</li> </ul>

## 5. Бозор ва маркетинг томонлари

Қабул қилиб олинган табиий газ қуйидагича тақсимланади:

- тақсимловчи тармоқлар орқали аҳоли ва саноат истеъмолчиларини табиий газ билан таъминлаш;
- табиий газни ташиш жараёнида у ўз эҳтиёжлари учун, шунингдек, тарқатиш тармоқларида технологик йўқотишлар учун ишлатилади.

Табиий газни ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишлар учун истеъмол қилиш бевосита товарларни ташиш ва газ қувурлари тизимига табиий газ оқими, шунингдек, моддий-техника ресурсларининг мавжудлигига боғлиқ.

Келгусида иқтисодиёт тармоқлари, шунингдек, республика аҳолиси томонидан технологик мақсадлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича энергиянинг муқобил турларидан фойдаланиш ва замонавий газ ҳисоблагичларини ўрнатиш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан республикада табиий газ истеъмолини камайтириш режалаштирилган.

“Худудгазтаъминот” АЖ Ўзбекистон Республикасида табиий газни ташиш бўйича табиий монополия субъекти бўлганлиги сабабли, маркетинг тадқиқотлари харажатлари кўзда тутилмаган.

Бундан ташқари, “Худудгазтаъминот” АЖ суюлтирилган газни харид қилиш, ташиб келтириш, сақлаш ҳамда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига маиший мақсадларда фойдаланишлари учун сотиш билан шуғулланади.

## 6. Жамиятнинг мавжуд ва кутилаётган салоҳияти

“Худудгазтаъминот” АЖ республика худудини кенг қамраб олувчи газ тақсимлаш тармоқлари ва суюлтирилган газ билан таъминлаш учун зарур ишлаб чиқариш инфратузилмаси мавжуд бўлиб, бу республика аҳолиси ва тадбиркорлик субъектларини табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Келгусида, “Худудгазтаъминот” АЖ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш прогнозларига мувофиқ, бозор конъюнктурасини, ҳамкорлар имкониятларини, нархлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш асосида қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

соҳани янада рақамлаштириш, инсон омилини кескин қисқартириш, соҳада сунъий интеллектни кенг жорий этиш доирасида:

газ таъминоти ташкилоти учун сунъий интеллект асосида автоматлаштириш;

сунъий интеллект асосида мурожаатлар таҳлили ва жавоб бериш тизимини автоматлаштириш;

ходимлар учун сунъий интеллект бўйича замонавий кўникмаларга мос малака ошириш курсларини ташкил этиш;

табиий газни истеъмолчиларга етказиб беришда йўқотишларни камайтириш;

мавжуд газ тақсимлаш пунктлари ва тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш;

барча тоифадаги истеъмолчилар учун табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ жорий этиш;

газ тақсимлаш тармоқлари ва улар билан боғлиқ ускуналардан фойдаланиш, шунингдек, табиий газни **давлат-хусусий шериклик** асосида газ тақсимлаш тармоқларини модернизация қилишини босқичма-босқич амалга ошириш;

Технологик жараёнларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг долзарблигини инобатга олган ҳолда табиий газни ўз эҳтиёжлари, технологик йўқотишлар ва атроф-муҳитга чиқиндиларни камайтириш.

**“Худудгазтаъминот” АЖнинг 2026 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳалари**

*млн.долл*

№	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Худудлар номи	Амалга ошириш муддати	Хорижий ҳамкор		Лойиҳа умумий қиймати	01.01.2026 й. қутилаётган қолдиқ	2026 йилда ўзлаштириш прогнози	шу жумладан:			
				хорижий инвестор	давлат				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	<b>“Худудгазтаъминот” АЖ (4 та лойиҳа)</b>					<b>635,1</b>	<b>540,5</b>	<b>40,1</b>	<b>8,3</b>	<b>10,6</b>	<b>10,7</b>	<b>10,6</b>
1	Халқаро молия институтлари кўмагида Самарқанд вилоятидаги газ тармоқларини модернизация қилиш ва хусусий сектор бошқарувига бериш	Самарқанд вилояти	2026-2028йй.	Аниқлан-моқда	Аниқлан-моқда	4,0	4,0	4,0	1,0	1,0	1,0	1,0
2	Газ тақсимлаш тизими бошқарувига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш (пилот лойиҳа)	Республика бўйича	2025-2028йй.	Аниқлан-моқда	Аниқлан-моқда	300,0	270,0	3,0	0,6	0,8	0,8	0,8
3	“Худудгазтаъминот” АЖ томонидан газ таъминоти тизимини модернизация ва реконструкция қилиш	Республика бўйича	2024-2027йй.	SACE eksport kredit agentligi	Italiya	295,6	245,0	30,0	6,0	8,0	8,0	8,0
4	“Худудгазтаъминот” АЖ тизимидаги ўрта ва паст босимли газ тармоқларидан метан ташланмаларини қисқартириш”	Республика бўйича	2022-2032йй.	GasGreen Asia	AQSh	35,5	21,5	3,1	0,6	0,8	0,8	0,8


## 7. Иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти сўнгги йилларда молиявий барқарорлик ва самарадорлик йўналишида сезиларли натижаларга эришган. 2021 йилда корхона фаолиятида айрим ташкилий ва иқтисодий омиллар таъсирида зарар қайд этилган бўлсада, кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва харажатларни оптималлаштириш натижасида молиявий кўрсаткичларда ижобий ўзгаришлар кузатилган.

Хусусан, 2022, 2023 ва 2024 йилларда жамият фаолияти фойда билан яқунланиб, корхонанинг иқтисодий барқарорлиги тикланди ҳамда унинг рентабеллиги изчил ўсиб борди. Бу эса “Худудгазтаъминот” АЖ нинг бозор шароитларига мослашувчанлиги, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини яққол тасдиқлайди.

### “Худудгазтаъминот” АЖнинг 2022-2025 йиллар учун соф фойда кўрсаткичлари

(млрд.сўм)



2025 йилги кутилаётган соф фойда кўрсаткичининг камайишига объектив сабаблар мавжуд. Хусусан:

Бизнес-режанинг харажат қисмида асосий улушни, яъни **жами харажатнинг 88 фоизини** табиий ва суюлтирилган газни сотиб олиш харажатлари ташкил этиши сабабли сотиб олиш нархларининг сотиш нархларига номуносиб равишда ўзгариши Жамиятнинг молиявий кўрсаткичларига кескин таъсир кўрсатади. Хусусан, 2025 йил 1 январдан **1 куб метр** табиий газни сотиб олиш нархи **9 фоизга**, 1 июндан эса **31 фоизга** оширилиши натижасида жорий йилни бизнес-режада кўзда тутилган **245,6 млрд сўм** ўрнига **72,2 млрд сўм** соф фойда билан яқунланиши кутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг 2025 йил 28 мартдаги 26-сон йиғилиш баёнига асосан “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан харид қилинадиган табиий газ тарифи 2025 йилнинг 1 январь санасидан **1 020 сўм/куб.м**, 2025 йил 31 мартдаги 27-сон йиғилиш баёнига асосан 2025 йилнинг 1 июнь санасидан **1 340 сўм/куб.м**. этиб белгиланган.

Юқоридаги тарифларни шакллантиришда фойдаланилган табиий газ баланслари ўртасида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг томонидан тасдиқланган газ баланси ўртасида ҳам муайян фарқлар мавжуд бўлиб, тасдиқланган балансда истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ ҳажми **596 млн куб метрга** қисқарган. Натижада

Жамиятнинг табиий газ сотишдан йиллик ялпи тушуми **1 368 млрд сўмга**, соф тушуми эса **1 090 млрд сўмга** камайди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан табиий газни сотиб олиш нархларини қайта кўриб чиқиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида 1 куб метр табиий газнинг сотиб олиш нархи 2025 йил 15 ноябрь санасидан **1 315 сўмга** туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 ноябрдаги Ф-59-сон “Давлат корхоналарида таннархни камайтириш ва самарадорликни ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармойишига асосан Жамиятнинг 2026 йил учун бизнес режасида **Ҳисоб палатаси** ҳамда **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** билан биргаликда жорий йилда кутилаётган харажатларни қисқартириш имкониятлари кўриб чиқилди. Хусусан, таннарх харажатларини **400,0 млрд сўмга** оптималлаштириш бўйича чоратадбирлар белгилаб олинди. (*“Худудгазтаъминот” АЖнинг 2026 йилда харажатларни қисқартириши бўйича чоратадбирларни амалга ошириш “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” бизнес-режага илова қилиниди*)

2026 йилги молиявий кўрсаткичлар мазкур таннарх харажатларини қисқартириш бўйича қилинадиган амалий чоратадбирларни инобатга олган ҳолда **қайта ишлаб чиқилди**.

## 8. Моддий ресурслар

Табиий ва суюлтирилган газни ташиш ихтисослаштирилган фаолият тури бўлиб, товарлар - табиий ва суюлтирилган газни ташишга мўлжалланган.

Газ тақсимлаш тизими табиий газ билан таъминлаш манбаларига, конларни ўзлаштириш даражаси ва даврига, табиий газни қайта ишлаш даражасига ва магистрал газ қувурлари тизимининг самарали ишлашига боғлиқ.

Шунингдек, газ тақсимлаш тизими табиий газни истеъмол қилиш режимига боғлиқ бўлиб, бу истеъмолнинг мавсумийлигини назарда тутаяди.

Жамиятнинг табиий газ ресурслари республиканинг магистрал газ қувурларидан табиий газ оқимидан шаклланади.

Суюлтирилган газнинг асосий ҳажми Қашқадарё вилоятидан етказиб берилади.

Суюлтирилган газ етказиб берувчи газ қазиб чиқариш ва газни қайта ишлаш корхоналарига “Шўртан газ-кимё мажмуаси” МЧЖ, “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ, “Шўртаннефтегаз” МЧЖ, “Мубарекнефтегаз” МЧЖ, “Газли” нефть-газ қазиб олиш бошқармаси ва “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖлар қиради.

Таҳлилларга кўра, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми йилдан - йилга камайиб бориши таъминотда узилишларга олиб келиш хавфини юзага келтирмоқда.

Республикадаги аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларининг суюлтирилган газга бўлган 2025 йил учун эҳтиёжи 663 минг тоннани ташкил этиб, ушбу ҳажмнинг 520 минг тоннаси (78 фоиз) “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар томонидан етказиб бериш режалаштирилган. Аҳолининг суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида 2024 йил 4-чорагидан бошлаб “ЛУКОЙЛ УОК” МЧЖ хорижий корхонасидан суюлтирилган газ 1 тоннаси учун **341 АҚШ доллари**дан (4,4 млн сўм) харид қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг 2025 йил 31 мартдаги 27-сон баённомаси билан белгиланган “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналардан харид қилинадиган

ва “ЛУКОЙЛ УОК” МЧЖ хорижий корхонасидан харид қилинаётган нархлар ўртасидаги тафовутни қоплаш учун Иқтисодиёт ва молия Вазирлиги томонидан субсидия ажратилмоқда. Жумладан, жорий йилда **214,3 млрд сўм** субсидия ажратилди.

Республикадаги аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларининг суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжи 2026 йилда **760 минг тоннани**, 2027 йилда **783 минг тоннани**, 2028 йилда **795 минг тоннани** ташкил этиши кутилмоқда.

### **Табиий ва суюлтирилган газни тақсимлаш**

Табиий ва суюлтирилган газни тақсимлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

тақсимлаш тармоқлари орқали аҳоли ва саноат истеъмолчиларини табиий газ билан таъминлаш;

ишлаб чиқариш инфратузилмалари (*автотранспорт ва махсус техника, газ тўлдириш иншоотлари, хизмат кўрсатиш марказлари ва бошқалар*) орқали маиший мақсадларда фойдаланишлари учун аҳолига ва ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган газ сотиш;

табиий ва суюлтирилган газни ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишлар учун истеъмол қилиш.

Республикада табиий газ асосан шимол ва шарқда, йирик саноат марказлари жойлашган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудларда - Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида истеъмол қилинади.

Республикада суюлтирилган газ асосан жанубий ва шарқий ҳудудларда, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ҳамда аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш имконияти бўлмаган ҳудудларда истеъмол қилинади, булар Қашқадарё, Андижон Фарғона, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидир.

Табиий газнинг ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишлар учун сарфланиши товарларни ташишга, газ қувурлари тизимига етказиб бериладиган табиий газнинг сифати ва ҳажмига тўғридан-тўғри пропорционалдир.

Газ таъминоти объектларининг ишлашида ишончлилик ва хавфсизликни ошириш, истеъмолчиларни узлуксиз газ билан таъминлаш, шунингдек, табиий газни ташишда харажатлар ва йўқотишларни камайтириш учун қуйидагилар зарур:

техник хизмат кўрсатишнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш;

носоз участкаларини аниқлаш бўйича олиб борилган ишлар натижасида аниқланган газ қувурларининг носоз участкаларини алмаштириш, газ қувурларини экспертизадан ўтказиш ишларини давом эттириш.

### **9. Атроф-муҳит ва саноат хавфсизлиги**

Хавфсиз меҳнат шароитлари ва экологик хавфсизликни таъминлаш компаниянинг устувор вазифаларидан биридир.

Ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш Жамиятнинг экологик фаолиятининг асосини ташкил этади, бу тизим корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсирининг доимий паст кўрсаткичлари билан тасдиқланади ва айрим параметрларда йиллик пасайиш тенденцияси мавжуд.

“Худудгазтаъминот” АЖнинг экологик сиёсати Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур фаолият “Худудгазтаъминот” АЖ ва Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган, атмосфера ҳавоси, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш каби масалаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ амалга оширилмоқда, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг, ер қаърини муҳофаза қилиш, саноат ва маиший чиқиндиларни назорат қилиш ва бошқалар.

Масъул бўлимлар Жамият бўлинмалари экологлари билан биргаликда атроф-муҳитни ифлослантирувчи корхоналар чиқиндилари саноат экологик назоратини, тозалаш иншоотлари самарадорлигини назорат қилади, ишлаб чиқариш чиқиндиларини шакллантириш ва йўқ қилиш стандартлари ва бошқаларни амалга оширади.

Жамиятнинг бўлинмалари ер юзасига ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиши мониторингини, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилишини мониторингини амалга оширади. Бу ўз навбатида, табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни соғломлаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва такрор ишлаб чиқариш, атроф-муҳит сифати меъёрларига риоя этиш, экология қонунчилиги талабларига риоя этиш бўйича қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан газ тақсимлаш тармоқларига замонавий технология ва материалларни жорий этиш ва кенг қўллаш борасида мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар, энг аввало, Республикаимизнинг экологик иқлимини сақлаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, янги технологияларни жорий этиш орқали энергия самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Жамиятнинг экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув - ESG кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, бугунги кунда мазкур лойиҳа устида Жамиятнинг тегишли ишчи гуруҳи ҳамкорлигида ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, “Худудгазтаъминот” АЖнинг 2024 йил учун барқарор ривожланиш ҳисоботини тайёрлаш ва ESG рейтинги олиншида қўллаб қувватлаш учун ўтказилган танлов натижаларига кўра KPMG компанияси танлаб олинди ва лойиҳа устида ишлар олиб борилмоқда. Тузилган шартномага асосан Лойиҳани амалга ошириш 3 босқичдан иборат бўлиб, Булар:

1. “Худудгазтаъминот” АЖнинг 2024 йил учун барқарор ривожланиш ҳисоботини тайёрлаш.
2. “Худудгазтаъминот” АЖ ходимлари GRI ва SASB стандартлари бўйича ўқитиш.
3. “Худудгазтаъминот” АЖ ESG рейтинги олиншида қўллаб қувватлаш.

Лойиҳанинг биринчи босқичи – “Худудгазтаъминот” АЖнинг 2024 йил учун барқарор ривожланиш ҳисоботи тайёрланди ва 2025 йил 1 июль куни Жамиятнинг расмий веб-саҳифасига жойлаштирилди.

## 10. Даромад ва харажатлар

Бизнес-режанинг даромад қисми қуйидаги даромадларни ўз ичига олади:

табiiй газни тақсимлаш тармоқлари орқали аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларига сотиш;

маиший эҳтиёжлар учун аҳоли истеъмолчиларига ва ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган углеводород газини сотиш.

Бизнес-режанинг даромад қисми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сон “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан белгиланган тарифлар асосида 2026 йил учун табиий ва суюлтирилган газ балансидан келиб чиққан ҳолда табиий ва суюлтирилган газни сотишдан тушадиган тушумлардан иборат.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 мартдаги 194-сон қарорига мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси таклифларига асосан электр энергияси ва табиий газ нархлари ҳар йили 1 майдан бир мартаба йиллик инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда **10 фоиздан юқори бўлмаган миқдорида** индексация қилиб борилиши белгиланган.

Шунга асосан бизнес режада табиий ва суюлтирилган газнинг амалдаги сотиш ва сотиб олиш нархларини 2026 йил 1 май санасидан сўнгги йиллардаги инфляция даражасидан келиб чиқиб ўртача **7 фоизга** оширилиши эътиборга олинган.

### Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сон қарорига асосан табиий ва суюлтирилган газнинг ЯНГИ НАРХЛАРИ

Т/р	Истеъмолчилар номи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун нархлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, сўм)		
			2024 йил 1 майдан	2024 йил 1 июндан	2025 йил 1 майдан
<b>I</b>	<b>Табиий газ</b>				
1.1.	Барча истеъмолчилар учун (1.2. - 1.6. бандлардан ташқари)	куб метр	1 500	1 500	1 800
1.2.	“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навой кон-металлургия комбинати” АЖ, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек бюджет ташкилотлари учун		1 800	1 800	2 000
1.3.	Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шоҳобчалари	куб метр	1 500	1 800	2 500
1.4.	Иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари учун		1 500	1 500	1 800
1.5.	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда):				

Т/р	Истеъмолчилар номи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун нархлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, сўм)		
			2024 йил 1 майдан	2024 йил 1 июндан	2025 йил 1 майдан
	а) <b>ноябр-феврал</b> ойлари давомида бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: - ойига 500 куб метргача; - ойига 501 куб метрдан 2 500 куб метргача; - ойига 2 501 куб метрдан 5 000 куб метргача; - ойига 5 001 куб метрдан 10 000 куб метргача; - ойига 10 001 куб метр ва ундан юқори.		650 1 500 1 950 2 275 2 600	650 1 500 1 950 2 275 2 600	1 000 1 800 2 100 2 500 3 000
	б) <b>март-октябрь</b> ойлари давомида бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: - ойига 100 куб метргача; - ойига 101 куб метрдан 2 500 куб метргача; - ойига 2 501 куб метрдан 5 000 куб метргача; - ойига 5 001 куб метрдан 10 000 куб метргача; - ойига 10 001 куб метр ва ундан юқори.		650 1 500 1 950 2 275 2 600	650 1 500 1 950 2 275 2 600	1 000 1 800 2 100 2 500 3 000
	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда):				
1.6.	а) овқат тайёрлаш ва иссиқ сув таъминоти учун		1 500	1 500	1 800
	б) иситиш учун		1 100	1 100	1 400
<b>II.</b>	<b>Маиший эҳтиёжлар учун аҳолига сотиладиган суюлтирилган газ</b>	<b>кг</b>	<b>1 600</b>	<b>1 600</b>	<b>2 000</b>

Табиий газни тақсимлаш тармоқлари орқали етказиб бериш ва суюлтирилган газни республика истеъмолчиларига сотиш бўйича хизматлар кўрсатишда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи 12 фоиз ставкадан ундирилади. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 сентябрдаги ПҚ-329-ХДФУ сон қарори)

Табиий ва суюлтирилган газни сотиб олиш нархлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг тегишли баённомалари билан белгиланади.

“Худудгазтаъминот” АЖнинг рентабеллигин таъминлаш, халқаро кредит рейтингларини олиш ва инвесторларни жалб қилиш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан тегишли ишлар амалга оширилмоқда, дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича 1 куб метр табиий газ учун сотиб олиш нархи 1 340 сўмдан 1 315 сўм ўзгариши кутилмоқда шу сабабли 2026 йил 1 январдан бошлаб табиий газни 1 куб метр **1 315 сўмдан** сотиб олиш режалаштирилган. Шунингдек, 1 май санасидан сотиш нархлари ўзгариши ҳисобига 1 июндан ўртача **7% га** ошиши кутилмоқда.

Катта улушга эга харажатлардан бири - бу иш ҳақи харажатлари.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини ўтган йиллардаги ўзгаришлардан келиб чиқиб 2026 йил 1 августдан **10 фоизга** оширилиши прогноз қилинди.

Бизнес режада кўзда тутилган ходимларнинг самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича тўловлари харажати “Худудгазтаъминот” АЖ нинг 31.01.2025 йилдаги 13/17-24-с сонли буйруқ қарори билан тасдиқланган Низомга асосан ҳисобланган.

Кейинги энг катта харажатларга амортизация ажратмалари, ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишлар учун табиий газ истеъмоли, ишлаб чиқариш характеридаги ишлар ва хизматлар, сотиб олинган хом-ашё ва материаллар, банк ва тўлов тизимлари хизматлари ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиб олиш киради.

2026 йил учун бизнес-режанинг харажатлар қисмини шакллантириш учун қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилди:

- “Худудгазтаъминот” АЖнинг 2026 йил учун иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари. *(Меҳнат қонунчилиги талаблари ҳисобга олинган ҳолда Жамият ходимларига амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизими “Худудгазтаъминот” АЖнинг амалдаги жамоа шартномасига мувофиқ, ижро органи аъзолари учун “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи тўғрисида”ги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги ПФ-49-сонли “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ белгиланган);*

- сотиб олинган хом-ашё ва материаллар харажатлари;

- барча турдаги ёқилғи маҳсулотлари, шунингдек, мойлаш материаллари харажатлари;

- электр энергияси харажатлари;

- ер солиғи, мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бюджетга тўловлар прогнози ва бошқалар.

Шунингдек, бизнес-режа қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 апрелдаги 261-сон “Футбол клублари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига мувофиқ “Худудгазтаъминот” АЖ ва “Шўртан” ПФК МЧЖ ўртасида хомийлик шартномасини тузишни ҳамда “Шўртан” ПФК МЧЖнинг Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан келишилган 2026 йил учун харажатлар сметасига мувофиқ хомийлик ёрдамни кўрсатишни.

- Жамият ягона акциядорининг 2021 йил 17 сентябрдаги 21-сон қарори билан “Худудгазтаъминот” АЖ ва “Intesa San Paolo bank Ireland PLC” ўртасида 225,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномаси имзоланган, ҳамда кредит бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан давлат кафолати бериш тўғрисидаги кафилик шартномаси имзоланишида қарор қабул қилинган. Бундан ташқари, “Табиий газ назорати ва ҳисобини автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва маҳаллий банкларнинг кредит маблағлари жалб этилган бўлиб, улар бўйича фоиз мажбуриятлари ва валюта курсидаги фарқ Жамиятнинг харажатлари таркибида, асосий қарзлар бўйича мажбуриятлар молиявий оқимларда ўз аксини топган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги Фармонининг 17-бандига мувофиқ жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва лойиҳа офисининг харажатлари;

Бизнес-режанинг харажат қисми Жамият ягона акциядорининг 2024 йил 21 октябрдаги 17-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган Низом асосида ижроия органи аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини ўз ичига олади.

Бизнес режада “Худудгазтаъминот” АЖ ички аудит хизматининг 2026 йил учун харажатлар сметасида белгиланган харажатлари кўзда тутилган.

Шунингдек, “Харид қилинган материаллар” моддасида материаллар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материаллар ва жиҳозларни сотиб олишга қўйиладиган талаблар миқдори кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори талабларига мувофиқ кейинги йил учун харид қилинадиган товар моддий бойликлар ва хизматлар ҳажми қиймати бўйича Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши режалаштирилган.

Шунга мувофиқ “Худудгазтаъминот” АЖнинг 2026 йил учун Давлат харидлари режаси белгиланган тартибда Жамият кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритилади. Ушбу режа доирасида жамият фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда зарур техника ва моддий ресурслар билан таъминлаш мақсадида 2026 йилда **1,9 трлн сўм** (*мазкур қиймат дастлабки бўлиб, харидлар режаси тасдиқлангунига қадар ўзгариши мумкин*) миқдоридagi Давлат харидларини амалга ошириш режалаштирилган. Шу билан бирга, харид жараёнларининг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш, рақобатбардош таклифларни жалб этиш ҳамда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Узоқ муддатли олинган кредит мажбуриятлари ҳисобига Жамиятнинг 2026 йилда маблағ тақчиллиги сақланиб қолади. Ушбу тақчиллик таъсирини юмшатиш мақсадида Ўзсаноатқурилишбанкдан олинган кредит муддатини 3 йилга узайтириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Шунингдек, мазкур тақчилликни тўлиқ қоплаш учун **56 сўм/куб метрга** табиий газнинг сотиб олиш нархини тушириш ёки сотиш нархини ошириш талаб этилади.

“UzAssets” АЖнинг тавсиясига асосан Бизнес режа 2026-2028 йиллар учун ишлаб чиқилди. 2027-2028 йиллар бизнес режасида Жамият харажат ва даромадларнинг асосий манбаи бўлган табиий ва суюлтирилган газнинг сотиб олиш ва сотиш нархлари йиллик кутилаётган инфляция даражасида (7%) оширилишига эътибор қаратилди.

Зарур ҳолларда Жамият ижроия органи томонидан жорий ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолияти заруратидан келиб чиқиб, мазкур бизнес-режада кўзда тутилмаган иш ҳақи, маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) сотиб олиш бўйича ва бошқа харажатларни амалга ошириши мумкин. Амалга оширилган харажатлари молиявий ҳисоботда белгиланган тартибда акс эттирилади. Молиявий ҳисоботлар ижроия органининг чораклик ҳисоботлари билан биргаликда белгиланган тартибда кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун киритиб борилади.

**“Худудгазтаъминот” АЖнинг 2026 йил учун даромад ва харажатлари прогноз  
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

№	Кўрсаткичлар	2026 йил (режа)	шу жумладан, чораклар кесимида			
			I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
I	Ялпи тушум	40 607 796	13 060 564	7 535 953	7 009 289	13 001 990
	Соф тушум	32 545 433	10 452 671	6 050 902	5 632 257	10 409 602
II	Харажатлар, жами	32 062 770	11 102 065	5 466 395	5 070 546	10 423 765
1.	Ишлаб чиқариш таннархи	30 233 933	10 525 160	5 032 293	4 688 170	9 988 310
2.	Давр харажатлари	1 476 296	397 325	309 778	338 779	430 414
2.2.	Маъмурий харажатлар	498 119	122 828	122 828	125 551	126 913
2.3.	Бошқа операцион харажатлар	978 178	274 498	186 950	213 228	303 501
3	Молиявий харажатлар	352 541	179 580	124 324	43 597	5 040
III	Фойда солиғини тўлашдан олдинги фойда	501 107	-644 782	589 118	566 323	-9 551
	фойда солиғи	100 221	-128 956	117 824	113 265	-1 910
IV	Соф фойда (зарар)	400 886	-515 826	471 295	453 058	-7 641